



Муносабат

УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНОТ

Икки ва кўп томонлама
ҳамкорликни тақозо этади

Президентимиз ҳузурда шу йил 16 январь куни
киш мавсумида аҳолини энергия ресурслари билан
узлуксиз таъминлаш бўйича қўрилатган чоралар
юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтган эди.

Дилшод ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан электр ва газ тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаб бериш бугунги кунда барча даражадаги раҳбарларнинг энг катта вазифаси эканлиги бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Бу жараёнда, табиийки, энг катта юклама ва масъулият аҳолини газ ҳамда энергетика билан таъминлашга масъул идора бўлмиш Энергетика вазирлиги зиммасига тушади.

Ўзбекистон Энергетика вазирлиги Россиянинг «Газпром» компанияси билан газ саноати соҳасида ҳамкорлик бўйича имзолаган «Йўл харитаси» айрим юрдошларимизнинг ноурин хулосаларига сабаб бўлди.

Ҳатто икки йриқ тузилма ўртасидаги ҳамкорликни мамлакатнинг суверенитетга даҳл қилиш мақсадида тузилган ҳужжат сифатида талқин қилганлар, иқтисодий келишувларга сиёсий тус бермоқчи бўлганлар ҳам топилгани ачинарли ҳолатдир.

Янглиш хулосалари билан жамоатчиликни чалғитишга ури-наётганларнинг аксарияти аслида ҳақиқий ҳолат, вазият билан тўлиқ таниш эмас.

Аксарият «экспертлар» танқид остига олган «йўл харитаси»га асосан 2023 йил 1 мартдан бошлаб Россиядан Ўзбекистонга табиий газ импорти йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда.

Шу жиҳатдан, икки йриқ ташкилот ўртасида тузиладиган келишув, ҳамкорлик ёки битимларни бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантаётган мамлакатда нормал ҳолат сифатида қабул қилиш керак.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон нафақат газни импорт қилаётган, балки ўз газ транспорт тизимига сармоя киритаётган, бу борадаги лойиҳаларни амалга ошириб келаётган мамлакат ҳисобланади.

Биргина ўтган 2022 йилда мамлакатимизда республика бўйича 54,9 километр магистрал газ қувурлари ва 17 та газ тақсимлаш станцияси реконструкция қилинди, 2 200 км магистрал қувурлар техник диагностикадан ўтказилди.

Шунингдек, 50,7 км газ тармоқлари мукамал ва жорий таъмирланиб, реконструкция қилинди, 299 та газ тақсимлаш пункти реконструкция қилиниб, 69,8 мингта техника тафтишдан ўтказилди.

Мухтасар айтганда, аҳолининг кундалик ҳаёт тарзи, иқтисодиётнинг қатор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг узлуксиз фаолияти учун етадиган газ ва электрни топшиш мақсадида барча мавжуд имконият ҳамда салоҳиятни ишга солиш энг мақбул йўлдир.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН

АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Қодир Жўраев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига расмий ташрифи якунланди. Олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон – Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалаларининг кенг доираси ўрин олди. Шунингдек, ўзаро савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-қувватлаш ва минтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ташриф арафасида Бишкек шаҳрида икки мамлакат ҳукуматлари аъзолари, тегишли вазирлик, идоралар, тармоқ бирлашмалари, ҳудудий маъмуриятлар раҳбарлари, ишбилармон доираларининг 350 дан ортиқ вакиллари иштирокида ўтказилган «Қирғизистон – Ўзбекистон» бизнес

форумида 1,6 млрд. доллардан ортиқ қийматдаги 50 дан зиёд ҳужжатлар, жумладан, 300 млн. долларлик инвестиция келишувлари ва 1,3 млрд. долларлик савдо шартномалари имзоланганининг ўзидек ташрифга нечоғлик катта тайёргарлик кўрилганлигидан далолат беради.

Тан олиш керак, ҳозирда икки қўшни мамлакат ўртасида кўп қиррали алоқалар яхши йўлга қўйилган. Самарали ҳамкорлик замирида икки мамлакат миллий манфаатлари ҳамда давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган доимий мулоқоти мужжасам бўлмоқда.

Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар 1993 йилда ўрнатилган бўлиб, шундан бери ўзаро муносабатларни тартибга солувчи 213 та ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида 1996 йил 24 декабрдаги Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2017 йил 5 октябрдаги Стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончли мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларацияни алоҳида тилга олиш лозим.

Ҳозирда ўзаро ҳамкорлик кўплаб соҳаларда ривожланиб, стратегик шерикликнинг янги даражасига кўтарилди. Борди-келди алоқалар мисли кўрилмаган даражада ривожланмоқда.

Савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам динамика тарзда ўсиб бормоқда. 2016 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан товар айланмаси 7 баробарга ўсиб, 167,5 миллион доллардан 1 миллиард 260 миллион долларга етди. Яқин йилларда мамлакатлар бу кўрсаткични 2 миллиард долларга етказишни режалаштирмоқда.



Машҳурларнинг аёллари

МАЪСУМА АҲМЕДОВА: У ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙДИ!

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофоти совриндори, «Ойдинда юрган одамлар», «Қўшиқ», «От кишнаган оқшом», «Отандан қолган далалар», «Бу дунёда ўлиб бўлмади», «Юлдузлар мангу ёнади», «Момо Ер қўшиғи» каби бир қанча дурдоналари билан ўзбек адабиётини юксакликка кўтарган, халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Тоғай Муроднинг рафиқаси, ёзувчи ва таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси **МАЪСУМА АҲМЕДОВА** билан суҳбатимиз адибнинг умр йўллари, ўзбек адабиётининг ёрқин ва ўчмас юлдузига айланган бетакрор асарларининг яратилиш жараёни, улуғ ёзувчининг воқеликка қарашлари ҳақида бўлди.



Тоғай Муроднинг сўнги сурати. 2003 йил.

ҚОИДАНИ БУЗГАНЛАРГА ЖАЗО ЧОРАСИНИ КУЧАЙТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ!



YOSHLAR PARLAMENTI

ДИҚҚАТ, САЙЛОВ!

Ҳурматли ёшлар! «Адолат» СДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Ёшлар парламенти сайлов бошланмоқда.

Сайлов икки ярим йилда 1 мартаба 3 босқичда бўлиб ўтади.

1-босқич – тегишли округдаги туманларда саралаш орқали ташкил қилинади (23 январь – 6 февраль оралиғида);

2-босқич – партиянинг ҳудудий кенгашлари миқёсида ўтказилади (6 – 15 февраль оралиғида);

3-босқич – яъни якуний (республика) босқичи (15 – 22 февраль оралиғида) ўтказилади.

Парламент ҳаётига қизиқадиган 18-30 ёш оралиғидаги ёшлар ўзи аъзо бўлган партиянинг туман бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.

«Адолат» СДПдан Ёшлар парламенти сайловида иштирок этиш истагидаги ёшлар батафсил маълумотни партиянинг расмий adolat.uz сайтидан билиб олишлари мумкин.

Сайловда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- номзодларнинг сайловолди дастурларида ёшларга оид муаммолар ва таклиф этилаётган ечим йўллари;

- ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича берган таклифлари;

- номзодларнинг нотиклик маданияти, лидерлик қобилияти ҳамда лойиҳа мазмунини тингловчиларга етказиш салоҳияти;

- билими ва ҳозиржавоблиги.

Сайлов ҳаёти қарорига биноан сиёсий партиянинг ҳаётида фаоллик кўрсатган, унинг имижини кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар орасида тарғиб қилиб, намунали хулқи билан бошқа тендошларига ўрнак бўлиб келаётган ёшларга устунлик тақдим этилиши мумкин.



Мавзуга қайтиб

УВАЙСИЙ ЗИЁРАТГОҲИ ОБОД БЎЛАДИ

«Adolat» газетасининг 20 январь сониди журналисти Раъно Холиқованинг Маргилонда туғилиб, ижод қилган Жаҳон отин Увайсий ҳақида «Увайсийни унутдикми?..» сарлавхали мақоласи эълон қилинган эди. Унда журналистнинг Маргилон сафари билан боғлиқ таассуротлари, жумладан, Увайсий зиёратгоҳи ҳақида маълумот берилганди.

БОШЛАБ ОЛСАК БАС...

«Бу тил – кўп минг йиллик улкан адабиётнинг тили»
«Adolat» газетаси, 22 декабрь, 2022 йил





ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН

АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бунга эса цемент, кўмир, рангли металллар, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотлари, кимёвий ўғитлар, маиший ва савдо ускуналари, фармацевтика маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш эвазига эришиш мумкин.

Икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигида парламентларо алоқалар ҳам муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилда Қирғизистонга ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғиз Республикаси Жоқоргу Кенешини ўртасида парламентларо ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди.

Парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни юқори даражага олиб чиқиш мақсадида 2020 йилда Парламентларо комиссия ташкил қилинди. Бугунги кунга қадар мазкур Комиссиянинг 2 марта (2018 йилда Фаргона шаҳрида ва 2019 йилда Ўш шаҳрида) йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамнуният билан қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу гагли ташрифи икки мамлакат ўртасидаги чегара масалалари узил-кесил ҳал қилинган бир даврга тўғри келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида узунлиги 1380 километрдан иборат чегара узоқ вақт мобайнида делимитация ва демаркация қилинмасдан келаётган эди. Фақатгина 2017 йилга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қирғизистонга амалда оширган илк ташрифи мобайнида Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартнома имзоланди. Унга кўра ўзаро чегаранинг салкам 85 фоизи белгилаб олинди.

Мазкур шартнома имзолангандан сўнг Ўзбекистон – Қирғизистон чегарасида 18 та назорат пункти очилди. Бу эса икки мамлакат фуқароларига анча қулайлик яратди.

Шундан сўнг, 2017-2022 йиллар мобайнида чегаранинг қолган 15% (баҳсли) участкаларида делимитация ва демаркация қилиш ишлари олиб борилди. Ҳар икки томондан ҳам алоҳида комиссия тузилиб, гоҳ Ўзбекистонда, гоҳ Қирғизистонда, бир неча бор учрашув ва музокаралар ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, комиссия ўта мураккаб масалаларни кўриб чиқди ва катта натижаларга эришди.

Нихоят, 2022 йилнинг 3 нояб-рида Бишкек шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз-

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек – қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартнома ҳамда Андижон (Кампиробод) сув омбори сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисида алоҳида битим имзоланди.

Мазкур шартномага мувофиқ ўзбек – қирғиз Давлат чегарасининг 35 та участкаларини ўз ичига олган умумий узунлиги 302,29 км. бўлган чегара чизигини делимитация қилиш ишлари якунига етказилди.

зистон Республикаси ўртасида ўзбек – қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартнома ҳамда Андижон (Кампиробод) сув омбори сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисида алоҳида битим имзоланди.

Мазкур шартномага мувофиқ ўзбек – қирғиз Давлат чегарасининг 35 та участкаларини ўз ичига олган умумий узунлиги 302,29 км бўлган чегара чизигини делимитация қилиш ишлари якунига етказилди.

2022 йилнинг декабрь ойида ушбу шартнома ва битим ҳар икки мамлакат парламентлари томонидан ратификация қилинди.

Шубҳасиз, қирғиз – ўзбек чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисида шартноманинг ҳамда Андижон (Кампиробод) сув омбори сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисида битимнинг имзоланиши ва ратификация қилиниши икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможавий, транспорт, минтақалараро, маданий-гуманитар ҳамда парламентларо алоқаларни янада кенгайтиришга, нафақат Ўзбекистон ва Қирғизистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси барқарор тараққиётига ижобий туртки беради.

Кўрғазма

БИРИНЧИ ИСЛОМ САНЪАТИ БИЕННАЛЕСИ

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида биринчи Ислам санъати биенналесининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг бой Ислам маданиятини халқро жамоатчилига кенг ёритиб берувчи қадимий ўлка турмуш тарзи ва газлама матолари жилосини ўзида мужассам этган 17 та ноёб музей ашёлари намойиш этилмоқда.

Неъмат ЖАБОРОВ

Мазкур кўрғазмага тақдим этилган экспонатлар орасида VIII асрга оид муборак Катта Лангар Қуръони, X-XII асрларга тааллуқли Самарқанд ва Афросиёб сопол кўза ва косалари, "муҳаддислар султони" номи билан машҳур бўлган бо-бокалонимиз Имом Бухорий (810-870)нинг XVII асрга мансуб "Ал-Жомий ас-Саҳих" ("Ишончли тўплам") кўлэмаси каби ноёб ва нодир ашёлар бор.

Келинг, шу ўринда юқоридagi экспонатлардан бири – "Ал-Жомий ас-Саҳих" асари ва унинг кўлэмаси хусусида қисқача тўхталамиз. Ушбу тўплам ислом оламида умумэтироф этилган "ас-сихо ас-ситта" ("олти ишончли тўплам") нинг сарҳадқаси ҳисобланади. Имом Бухорий мазкур тўпламга, аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ўзи йиққан 600 минг ҳадислар орасидан тақрирланадиганлари билан бирга 7275 та, тақрирланмайдиган ҳолда эса 4000 та ишончли ҳадисни саралаб киритган. Расулulloҳ (С.А.В.) ҳадисларини тўплашдек шарафли ишни биринчилардан бўлиб Имом Бухорий ҳазратлари бошлаб берганлар. Кейинчалик кўплаб муҳаддислар унга тақлид қилиб, ҳадислар тўпламини яратганлар. Ушбу тўпламнинг яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, Имом Бухорий мазкур тўпламга киритилган ҳадисларни кўр-газма ўтказилаётган Саудия Арабистони замида, аксарият ҳолларда, ой-нинг ёруғида битганлар. Асли Бухорийнинг Қорақўл туманида таваллуд топган Имом Бухорий ҳазратлари бу ҳақда шундай дейдилар: "Ун бир ёшда эдим. Ун олти ёшга етганимда Ибн Муборак ва Вақийнинг китобларини ёд олдим ва уларнинг гапларини билдим. Кейин эса акам Аҳмад ва онам билан бирга Маккага бордим. Ҳаж қилиб бўлганимиздан кейин акам Аҳмад онамни олиб, ортга қайтди. Мен ҳадис ўрганиш учун қолдим".

Кўрғазмадаги ҳар бир экспонат ана шундай катта илмий ва тарихий аҳамиятга моликдир. Гапнинг индаллосини айтганда, кўрғазмада намойиш этилаётган экспонатлар умумжаҳон тамаддунининг ноёб дурдоналари ҳисобланади. Шу боис, биринчи Ислам санъати биенналесини хорижликлар хотирасида бир умрга муҳрланиб қоладиган таассурот қолдирмоқда. Айни вақтда ушбу кўр-газма хорижликларда умумжаҳон цивилизациянинг бешикларидан бири ҳисобланган, қолаверса, бугун учинчи Ренессансга тамал тошлари қўйилаётган Янги Ўзбекистонга катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўрғазма жорий йилнинг 23 апрелига қадар давом этади.

Депутат минбари

ҚОЙДАНИ БУЗГАНЛАРГА ЖАЗО ЧОРАСИНИ КУЧАЙТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ!

Йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ қонунчилик ҳар қанча кучайтирилмасин, йўл-транспорт ҳодисалари сони ва кўлами камаймаётгандек туюлаёпти. Буни ижтимоий тармоқларда тез-тез тарқатилётган ноҳуш янгиликлардан ҳам кўрсак бўлади. ЙТҲларнинг асосий қисми хайдовчилар томонидан белгиланган тезликка риоя этмаслик сабабли содир этилаётган бўлса, яна бошқасида спиртли ичимликни истеъмол қилиб автомобилни бошқарган хайдовчи ўзи ва ўзгаларнинг ҳаётига, мулкига ҳавф туғдираёпти.



Муҳаммаджон ВАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Биргина мисол. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат ҳавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати маълумотига кўра, жорий йилнинг 14 январь куни Хоразм вилояти Янгибозор туманида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқаро томонидан спиртли ичимликлардан маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш натижасида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси фуқаро ўлимига сабаб бўлди.

Статистик маълумотларга кўра, маст ҳолда транспорт воситаси бошқариш оқибатида 2018 йилда 164 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиб, 71 нафар шахс, 2019 йилда 147 та ҳодисада 65 нафар шахс, 2020 йилда 106 та ҳодисада 45 нафар шахс вафот этганлиги қайд этилган.

Транспорт воситаларини маст ҳолатда бошқариб, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий тартибда жа-вобарликка тортилган бўлсада, ўзига тегишли хулоса чиқармай, белгиланган қоидаларни менсимасдан такро-ран маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлишига за-мин яратмоқда. Жумладан, 2019 йилда 3 641 нафар, 2020 йилда 3 581 нафар, 2021 йилда 5 450 нафар хайдовчи маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг транспорт воситасини такроран маст ҳолатда бошқарган.

Назаримда, зарарли воситаларнинг тури кўпайиб бо-раётган айни кунларда хайдовчиларнинг транспорт воситаларини мастлик ҳолатида ёки гихёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқариши, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлла-нилгандан кейин содир этган тақдирда уларга нисбатан жи-ной жавобгарлик белгилаш лозим бўлади.

Тақлифим – транс-порт воситасининг эгаси ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахс томони-дан била туриб, мастлик ҳолатидаги ёки гихёванд-лик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остидаги шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса уларга нисбатан ҳам жиноий жавобгарликни белгилаш керак.

порт воситасини мастлик ҳолатидаги шахсларга бошқариш учун топшириш ҳолатлари аниқланган.

Жиноят кодексининг 261-моддаси (мастлик ҳолатидаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш) билан 2018 йил 3 та, 2019 йил 5 та, 2020 йил 11 та чора қўрилган. Бундай ҳолатлар амалдаги жазо чоралари етарли даражада мукамал эмаслиги оқибатида давом этиб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлишида алоҳида ўрин эгалламоқда.

Тақлифим – транспорт воситасининг эгаси ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахс томонидан била туриб, мастлик ҳолатидаги ёки гихёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъ-сир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остидаги шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, уларга нисбатан ҳам жиноий жавобгарликни белгилаш ке-рак.

Хабарлар

Халқимизга хос меҳр-муруват ва саховатпешалик фазилатлари нафақат умумхалқ байрамлари арафасида, балки доимо юртдош-ларимизнинг эътиборидан четда қолмаган.

Аҳоли ҳолидан хабар олинмоқда

Нилуфар АКРАМОВА, Тойлоқ туман кенгаши раиси

Айни кунларда республикамиз бўйлаб кузатилаётган совуқ об-ҳаво шароитида "Адолат" СДП Тойлоқ туман кенгаши қошидаги "Адолатли қайноналар" гуруҳи раҳ-бари Ўғилчи Йўлдошева ва партия фаол-лари тумандаги "Работ" маҳалласида бў-либ, партиянинг "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида ижтимоий химояга муҳтож аҳоли қатлами кўлаб-қувват-лаш мақсадида кекса ёшли ва ногиронлиги бор фуқаролар ҳолидан хабар олишди.

Ташриф давомида аҳолининг кўплаб муаммолари ўрганилди. Жумладан, иш-сиз фуқароларимизнинг бандлигини таъминлаш ҳамда бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлмиш электр энергияси билан боғлиқ муаммо-ларга эътибор қаратилди.

Ўз навбатида ҳудуддаги фуқаролар бундай эътибордан мамнун эканлигини билдиришди.

Сайловчилар ҳузурида

Мамлакатимизда рўй бера-ётган мавсумий об-ҳаво ҳамда аномал совуқ шароитида жой-ларда ташаббускор сафдошлари-миз саховатли ҳомийларимиз кў-магида фуқароларимизга ёрдам қўлларини чўзишмоқда.

"Адолат" СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқоры Кенгесидagi фрак-цияси аъзоси Урингул Аллабергенова то-монидан "Турткўл-95" МЧЖ раҳбари Рашид Ибрагимов ҳомийлигида "Қалтаминор" овул фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи, "Аёл-лар дафтари"да турган, ижтимоий химояга муҳтож оилалар фарзандларига қишки ки-йим-кечаклар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тухфа қилинди.

Шунингдек, депутат томонидан "Қалта-минор" ва "Ота-юрт" овулида учрашув таш-кил қилиниб, фуқароларнинг муурожаати тинг-ланди.

"Ота-юрт" овулидаги 8-сонли маҳаллада ва "Қалтаминор" овулида яшовчи фуқаро-ларнинг трансформатор кучлини даража-сининг камлиги тўғрисидаги муурожаати асо-сида Тўрткўл туман электр таъминоти кор-хонаси раҳбари номига депутатлик сўрови жўнатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

УВАЙСИЙ ЗИЁРАТГОҲИ ОБОД БЎЛАДИ



Мақолада зиёратгоҳдаги пала-партишликлар, тўпла-ниб қолган уюм-уюм ҳазонлар, панжараларнинг синиб ётиши, атрофдаги тартибсизликлар, полиэтилен қал-таллар, шоира ҳайкалининг лойга чаплаган ҳолати танқид қилинган эди. Ваҳоланки, халқимиз маънавият осмонининг ёрқин юлдузларидан бири, ўз замонасининг илғор намоён-даси, ўзбек адабиётининг ўз нуфузига, қадр-қийматига эа классик шоираси Жаҳон отин Увайсий зиёратгоҳига нисба-тан бундай муносабатни асло оқлаб бўлмайд.

Шу сабабли халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Шерзод Каримов Марғилон шаҳридаги "Увайсий" МФИда жойлашган Жаҳон отин Увайсий зиёратгоҳини бориб ўрганди. Зиёратгоҳнинг мавжуд кўриниши юзасидан зарур чоралар олиб борилди. Жумладан, ободон-лаштириш бошқармаси ходимлари иштирокида тозалаш ишлари бажари-лди, шоира ҳайкали артиб, тозаланди, атрофдаги дархатлар оқланди. Чикиндилар олиб чиқиб ташланди. Зиёратгоҳдаги мавжуд носоз жиҳозлар созланди ва тартибга келтирилди.

– Зиёратгоҳнинг эътиборсиз ташлаб қўйилиши ачинарли ҳолат. Аф-суски, кўлаб фуқаролар томондан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиниб, ахлат тўла целлофан халталар ташлаб кетилишини кузатиш мумкин. Қолаверса, ўз вақтида тозалаш ишлари амалга оширилмаган. Бу эса зиёратчиларнинг дилини хуфтон қилмоқда. Биз зарур чораларни кўрган ҳолда, зиёратгоҳ ободлигини назоратга олиб, баҳор мавсумига таъмирлаш ишларини режалаштирдик. Зиёратгоҳни обод масканга ай-ланштириш борасида чора-тадбирларни Шерзод ташкилотлар билан ҳам-корликда олиб борамиз, – дейди депутат Маъруз Каримов.



Фарғона вилоятни кенгаши матбуот хизмати

ҚОНУНДАГИ «ТУШУНАРСИЗ» МОДДА

у қандай мақсадда киритилган?

Ахборот тарқатиш, муаммони жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш журналистнинг вазифаси. Ривожланган демократик давлатларда бирор мавзу кўтарилса, бу одатий ҳолат сифатида қабул қилинади. Агар журналистни мақтайдиган бўлсангиз, у (It is my job) деб ўз вазифасини бажарганини айтади. Ўзбек журналистларида ҳам «бу менинг вазифам» (масалан, «Rost24» сайти муҳаррири Анора Содиқованинг фикри), дея иш тутиш кузатилаётгани кишига умид бахш этади.



Халим САЙДОВ,
филология фанлари доктори

Аслида матбуот ахборот сотиш, реклама бериш эвазига кун қўриши керак. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, тоталитар жамиятдан демократияга ўтиш даврида оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий чеклангани, журналистнинг манфаатдорлиги шундай вазиятни вужудга келтирдик, ижодкорлар камида икки тоифага бўлиниб қолди. Биринчиси, мавжуд иш ва қалам ҳақиқа қаноат қилади, иккинчиси эса танқидий чиқишлар ваҳимаси билан қўшимча «даромад» ундиради.

МУАММО НИМАДА?

«Журналист оладиган маоши ва қалам ҳақининг камлиги боис танқидий мақоласини пора эвазига чоп этмагандир», дейишингиз мумкин. Бу фикрнинг ҳам яшашга ҳаққи бор. Бизнингча эса масаланинг асосий сабаби қонундаги камчиликдадир. Оммавий ахборот воситалари доир қонун ва кодекслар кўплигидан муаммо йўқдек хулоса келиб чиқади.

АСЛИДА-ЧИ?

«Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг (<https://lex.uz/docs/9540>) «Журналист текшируви» деб аталган 9-моддасида журналистнинг текширув ўтказишга ва уни ОАВда эълон қилишга ҳаққи борлиги, «Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки қўздан кечирилиши мумкин эмас»лиги таъкидланади. Бу ҳуқуқни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз, албатта. Лекин қонуннинг худди шу жойида журналист ўз текширувларининг натижаларини «...давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин», деган банди ҳам бор.

Хўш, йўл қўйилган камчиликларни не азобда қийналиб топган журналистнинг текширув натижаларини ўша корхона масъулларига «ихтиёрий равишда тақдим этиши» қай тарзда амалга ошади?

Фараз қиламиз, журналист раҳбар қабулига кириб: «Жаноб бош-

лиқ, корхонангизда муаммо ва камчиликлар бор экан, мана қўлга киритган исбот – ҳужжатларимиз, уларни тузатиб қўйинг», деди ҳам дейлик. Текширув натижалари корхонада қандай тартибда кўриб чиқилади? Ким чора кўради? Чора кўриладими?..

Ҳолбуки, ҳаётда корхона раҳбарига эмас, аксинча журналистга кўрилган чораларга гувоҳ бўлдик (масалан, Муҳаммаджон Обидов. «Журналист суриштируви: тажриба ва таҳлил» («Фарғона» нашриёти, 2018, 96 бет).

Одатда бошқа «беозор» йўли кўп қўлланилади. Танқидий материал ҳақида ҳамма унутлади. Корхона ва таҳририят ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилиб, унга кўра корхонада амалга оширилаётган янгилик ва ибратли ишларни тарғиб этишни таҳририят зиммасига олади (бундан бир неча ой аввал ижтимоий тармоқда «тренд» бўлган бир ҳоқимлик ва сайт ўртасида тузилган 90 миллионлик шартномани эсланг). Олам гулистон!..

Ёғ-мой комбинати билан боғлиқ мисолимизда, тахминимизча, «нақд», яъни пора суралган. Корхона раҳбари айбини ёпиш учун тўғри йўл тутган: таъмагир муҳаррирни ҳуқуқ-тарғибот ходимларига топширган. Аммо, лекин, бироқ – журналист топган муаммо ва камчиликлар бартараф этилдими?

Демократик давлатда журналист муаммони кўргач, уни бурчи ва вазифасидан келиб чиқиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиши керак. Шу боис қонундаги юқорида таъкидлаган жумлалардан воз кечиш вақти келди. Текшириш ўтказган журналист учун ҳам, текширилувчи ташкилот раҳбари учун ҳам муаммо «ўзаро келишув» асосида «бартараф этилиши» эҳтимоли йўқотилиши зарур.

Агар мазкур бандлардан бошқа эзгу муддао кўзланган бўлса, уни қонунга киритган собиқ депутатлар изоҳ беришар, мутахассислар шарҳлашар балки...

Нима бўлганда ҳам, қонундаги бу тушунарсиз бандга бериладиган шарҳлар, тузатишлар Халқаро журналистлар федерациясининг «Журналистларнинг фаолият таъминловчи Декларацияси»да қабул қилинган журналистларнинг ахборот олиш, узатиш, тарқатиш, шарҳлаш ва воқеаларни баён этиш бўйича йўлланмасидаги «**Ҳақиқатни ҳурмат қилиш ва жамиятнинг ҳақиқатни билиш ҳуқуқи – журналистларнинг биринчи навбатдаги бурчидир**», деган талабига мос бўлиши даркор.

ТАНҚИДДАН КЎРҚУВНИНГ ТАРИХИ

Бунинг учун раҳбарлар онгидоги эски қарашларни ҳам ўзгартириш керак. Совет даврида Ленин, кейинчалик Сталин матбуотни, унинг назорати(цензура)ни коммунистик партия «қўли»га тутқазган. Партиянинг қатағон машинаси – НКВД ўзгача фикрлайдиган кишиларни қамоққа олиб, жисман йўқ қилган, одамлар ўртасидаги миш-мишни тўхтатиш учун матбуот орқали «халқ душманлари»га лаънат ёғдирган. Сталин ўлимидан кейин эса коммунистик партия раҳбарлари тегишли органлар топшириғи билан бирор раҳбарни аввал матбуотда танқид қилдириб, ундан кейин иш кўзгаб, қамоқхоналарда чиритарди (масалан, «Пахта иши»). Иккисининг ҳам мақсади муштарак эди. Мана шу тарихий ҳодиса жаҳон матбуоти илмида «тоталитар назария» номи билан ўрин олган. Бугунги раҳбарнинг танқиддан кўрқиши, танқидни қабул қила олмаслиги замирида онг остига сиғиб кетган юқоридаги тушунча яширинган мақола уни «йўқ қилиш мақсадида уюштирилган», вассалом.

Бу кўрқув миллат онгига йиллар давомида сингдирилди, ундан халос бўлиш, ҳатто истиқлолга эришиб, демократик йўлни танлаганимизга 31 йил бўлган эса-да, ҳамон қийин кечмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ТАЪКИДИ

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг айтган фикрлари билан кифоялангани маъқул кўрдик:

«Бугун барча бўғиндаги раҳбарларнинг жамоатчилик билан, аynиқса, оммавий ахборот воситалари билан муомала маданияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим масалага айланди.

Айрим ҳолларда раҳбарлар томонидан танқидни қабул қила билмаслик, нима қилиб бўлса-да, уни тан олмасликка бўлаётган уринишларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Афсуски, баъзи раҳбарлар халқ билан, матбуотчилар билан мулоқотда оддий муомала маданиятини, маънавиятини унутиб қўйишмоқда. Улар томонидан қилинган мурожаатларга ўз вақтида, ҳолис жавоб берилмаслиги ҳам ҳақли эътирозларга сабаб бўляпти.

Ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз, деярли ҳар кун ижтимоий тармоқларда қайсидир раҳбарнинг фаолияти билан боғлиқ шов-шувли хабар тарқалаяпти. Уларда берилаётган танқидий материалларга ўз вақтида ҳолис, асосли муносабат билдирилмаётгани оқибатида одамлар орасида ҳар хил фикрлар, баҳс-мунозаралар юзага келмоқда.

Энг ачинарлиси, баъзи раҳбарлар жамоатчилик ўртасида турли зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бундай ҳолатларнинг олдини олиш ўрнига, қибру ҳавога берилиш, ўзига бино қўйиш билан масалани янада чигаллаштирмоқда.

Тушунман, ҳар кимнинг ўзига яраша ғурури, иззат-нафси бор. Лекин раҳбар шуниси билан раҳбарки, у нафақат ўзининг шаънини, балки давлат идорасининг обрўсини ҳам сақлашга масъул эканини унутмаслиги керак.

У ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларга, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келмасин, вазиятдан оғир-босиқлик ва вазминлик билан чиқиб, фақат қонунга асосланган тўғри қарор қабул қилиши шарт» (<https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/23/speech/>).

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ – ЮРТ ШАЪНИ

Тўғриси, Президент томонидан шу гаплар айтилганча кўпчилик зиёлилар «халқ дардини матбуот орқали раҳбаримизга етказишга яна қийналар эканми»да» сингари ўй-хаёллар гирдобида қолганди. Ижро ҳоқимияти муаммони бартараф этиш ўрнига жамият дардини кўтариб чиқаётган журналистлар билан курашмаслиги керак. Бундай раҳбарлар ўз ҳаракатлари билан халқаро ҳамжамиятда юртнинг обрўсини туширади.

АҚШ Давлат департаменти раҳбарларидан бири Элис Уэллс ўзининг «Твиттер»даги саҳифасида: «Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон ОАВга қарши таҳдидларни қоралаб, матбуот эркинлигининг собит тарафдори эканлигини билдиригандан хурсандман. Журналист ва блогерларнинг хавфсиз бўлиши ҳамда ўз вазифаларини эркин бажаришларига имкон берилиши демократия ва очиқликнинг янада ўсишига ёрдам беради», дея бежиз таъкидламади. Чунки улар икки юз йил олдин бу йўлни босиб, улкан тажриба тўплашган.

Ҳаёт давом этади. Мавжуд қонунларнинг саволли жойларини бартараф этиш ёки шарҳлашга зарурат бор.

Масалан, тигиз ҳолатларда тезкор ахборот тарқатиш билан боғлиқ бўлган, шу билан бирга, «нима мумкин, нима мумкин эмас»лиги изоҳланган, изқувлару судьялар қаторида журналистлару блогерлар бирдек тушуннадиган ва амалиётда қўлланиладиган шарҳлар ёзилиши бугунги кунда долзарбдир.

Хулоса қилиб айтганда, журналистнинг ахборот олиш, таҳлил қилиш ва тарқатишдаги ҳуқуқий эркинлиги амалда таъминланмасдан туриб, матбуот эркинлигига эришиб бўлмайди. Қонунларда белгиланган журналист қўлга киритган ахборотларнинг тарқатишда зарурати, унинг мурожаатига бериладиган жавоб муддати қисқартрилмас экан, фаолият чекланади, жамият ахборотсизлик муҳитида қолади ва бу ҳолат демократик кадрларнинг тонгайди, коррупцияга йўл очиб беради. Журналистнинг фаолиятсизлиги эса жамият учун нисли кўрилмаган зарар келтиради.

"Ishonch" газетасининг 2023 йил 24 январдаги 11-сонидан олинди.

Депутат минбари

“Ishonch” газетасининг 24 январда чоп этилган 11-сонида филология фанлари доктори Ҳалим Саидовнинг “Қонундаги “тушунарсиз” модда. У қандай мақсадда киритилган?” сарлавхали таҳлилий мақоласи ҳам журналист, ҳам парламент аъзоси сифатида эътиборимни тортди.

ҚОНУНЛАРДАГИ КАМЧИЛИКЛАР МУТАХАССИСЛАР ЁРДАМИДА БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ



Гулбаҳор САЙДҚАНИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси



«Журналист текшируви» деб аталган 9-моддасида журналистнинг текширув ўтказишга ва уни ОАВда эълон қилишга ҳаққи борлиги, «Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки қўздан кечирилиши мумкин эмас»лиги таъкидланади. Бу ҳуқуқни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз, албатта. Лекин қонуннинг худди шу жойида журналист ўз текширувларининг натижаларини «...давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин», деган банди ҳам бор...

Мақола муаллифи бугунги миллий журналистика-мизга оид қонунчиликдаги айрим камчиликларга тўхталиб ўтгани эътирофга лойиқ.

Мақолада журналистик фаолият олиб бораётган, суриштирув ўтказаятган журналист ходим фаолиятида айрим англашилмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган нормалар ҳақида сўз боради. Муаллиф суриштирув ўтказаятган журналист ҳамда текширув объекти бўлмиш мансабдор ўртасидаги “ўзаро келишув”лар эҳтимолини оширадиган қоидаларга барҳам бериш зарурлигини таъкидлайди.

“Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида журналистнинг текширув ўтказиши ва қўлга киритган натижаларини мансабдор шахсга ихтиёрий тарзда топшириши ҳам мумкинлигини назарда тутувчи норма ташкилот раҳбарининг жавобгарликдан қутулиб кетишига сабаб бўлиши асосли танқид қилинади. Яъни муаллиф фикрича, оммавий ахборот воситалари фаолияти доир қонунлар кўп, лекин ана шундай ҳолатлар учун аниқ, “тирқишлар”ни қонунчиликдан олиб ташлаш вақти келди.

Мақолада долзарб масала ўртага ташланган. Дарҳақиқат, ОАВ соҳасида кўплаб қонунлар бор, баъзилари бир-бирини такрорлайди. Бироқ бугун – демократик ислохотлар жадал сурбатларда амалга оширилаётган ҳамда интернет журналистикаси ривожланиб, медиа-мйдонда янги вазият юзага келган пайтда қонунчиликдаги бўшлиқлар кўзга ташланиб қолди. Бундан илгарироқ Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга журналист фаолиятига аралашши ва тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган кўзда тутилган тегишли моддалар киритиш таклифини қонун ташаббуси сифатида берилганди.

Ҳақиқатан ҳам, журналист суриштируви объектига ўз фаолияти юзасидан ўтказилган ёки ўтказилиши кўзда тутилган масалада “пана-пасткамларда”, “тор доираларда” огоҳлантириб қўйилиши механизми журналистнинг ҳолислиги ва мустақиллигига болта уради. Унда журналист суриштирувидан маъно-мақсад қолмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари томонидан ахборот соҳасида илмий-амалий фаолият юритадиган мутахассисларнинг асосли тавсия ва хулосалари инобатга олиб келинган, мутахассислар билан давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар ўтказиб турилади. Умид қиламизки, Ҳалим Саидовдек тажрибали, маҳоратли журналистларимиз ҳам келгусида ўтказиладиган учрашувларнинг фаол иштирокчиси бўлишади.

Шу ўринда айтиш керак, ҳозирда ОАВ фаолиятига оид барча қонунлар ўрнига ягона Ўзбекистон Республикаси Ахборот кодексини тасдиқлаш ҳақида қонун лойиҳаси АОКА томонидан тайёрланиб, project.gov.uz сайтида жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Ўйлаймизки, мутахассислар, олимлар фикрлари билан Кодекс мукамал шакл ва мазмунда қабул қилинади.

Ахборот кодекс лойиҳаси парламентга киритилиши билан Ҳалим Саидовдек жонқуяр, малакали мутахассислар, олимларимиз билан соҳага оид қонунларимизни тақомиллаштиришга, мавжуд бўшлиқларни бартараф қилишга эришамиз, деб ўйлайман.

“ADOLAT” шарҳи

Янги Ўзбекистонда янги маъмурий ислохотлар



Дунёдаги жуда кўп мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасида сезиларли маъмурий ислохотлар амалга оширилди. Натижада давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг турли моделлари шаклланди. Мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилган ислохотлар ҳам чуқур ўйланган, ҳозирги замон ривожланиш тенденцияларига асосланиб олиб борилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Дилдора УМАРХОНОВА, юридик фанлари доктори, профессор


Бугунги кунда деярли барча давлатларнинг бошқарув тизимига кўра, Вазирлар Маҳкамаси асосий ижро ҳокимияти ҳисобланади. Лекин уларнинг таркиби ва сони турлича. Масалан, Швейцария давлатининг Вазирлар Маҳкамаси таркиби атиги 7 та вазирликдан иборат. Германияда 14 та вазирлик мавжуд. Беларус Республикасида 24 вазирлик фаолият юритади. Ундан аҳолиси тўрт баробар кўп ҳисобланган Украинада эса 17, Польшада 18, Латвияда эса 13 та вазирлик мавжуд. Марказий Осиё давлатларидан Қозғоғистон Республикасида 17 та, Тожикистонда 14 та, Туркменистонда 20 та, Қирғизистонда 12 та вазирлик фаолият олиб боради.

моқда. Охириги 5 йил ичида давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазибаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди.

Албатта, янги маъмурий ислохотлар учун катта қадам бирдангина юзага келмади. Барчаси Президентимизнинг 2021 йил 22 ноябрдаги “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши билан бошланган эди. Президент 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссиясини ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этишга фармойиш берди.

Ишчи гуруҳ бир йилдан ортиқ вақт давомида таклифларни ишлаб чиқди ва мувофиқлаштирди. Натижада 2022 йилнинг 21 декабрида “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони эълон қилинди. Бу айнан Президентнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан бир кун ўтиб юз берди. Мурожаатномада ҳам Юртбошимиз янги маъмурий ислохотлар тўғрисидаги фармонни имзолаганини таъкидлаб ўтганди. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан, вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартириш бўйича таклифи маъқулланди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳоки-



Ҳар бир ўтказилаётган ислохотнинг ўз кўзланган натижалари бўлгани каби маъмурий ислохотлардан ҳам бир нечта мақсадларга эришиш кўзда тутилмоқда. Зеро, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари штат бирликларини мақбуллаштириш орқали уларнинг вазибалари ҳам янгидан тақсимланади ва мувофиқлаштирилади. Бу эса давлат органлари вазифа ва функцияларидаги ўзaro тақдорланишларнинг олдини олади. Бундан ташқари, мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган маблағлар ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади.

Оқлов

Терговда айбонланган шахс судда оқланди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси давлатимиз сиёсатининг бош мақсади инсонпарварлик эканлигини яна бир қарра исботлади. Буни ҳар бир юртдошимиз қалбан ҳис этиб турибди.

Зафаржон ОМОНОВ, жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг раиси

Авалло, давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини адолат ўрнатиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади. Бу борада гап кетганда тергов жараёнида ва муқаддам ноҳақ айбонланган шахсларнинг оқланаётганини эътироф этиш ўринли.

Келинг, фикрларимизнинг исботи тариқасида бир жиноят ишига эътибор қаратайлик.

Қува туманида яшовчи Хуршидбек Усубжонов 2 йилдан бунён гиёҳванд моддаларни оз-оздан истеъмол қилиб келган. 2021 йил куз ойларида у қишлоқ далаидаги ариқ бўйида ёввойи ҳолдаги “наша” ўсиб чиққанини кўриб қолади. Сўнг ўсимлик барглари ни тегириб, истеъмол қилиш учун уйига олиб келади. Уйда “наша” барглари ни эзиб майдалайди ва целлофан пакетга ўраб, тайёрлаб қўяди. 2022 йил 7 май кунини эса туман марказида ИИБ ходимлари уни тўхтаб текширишганда чўнтагидан гиёҳвандлик моддаси чиқади. Ушбу модда ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-қимёвий экспертизасининг 2022 йил 8 май кунги 427-сонли хулосасида Х.Усубжоновнинг чўнтагидан олинган ўткир хидли ашё тариқасида “тетрагидроканнабинол” мавжуд бўлган “ташиш” гиёҳвандлик воситаси

бўлиб, оғирлиги 0,18 грамм эканлиги қайд этилган. Қолаверса, Хуршидбекнинг ўзига нисбатан судга оид наркологик экспертиза ўтказилади. Мазкур экспертизанинг 2022 йил 13 май кунги 254-сонли хулосасида Х.Усубжонов наркологик касалликлар билан оғримаслиги ва гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий доволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Шундан кейин унга нисбатан Жиноят кодексининг 276-моддаси (Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар) 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасига биноан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш шарт. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун факат ЖПКда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбла-

нувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим. Шу маънода айтганда, жиноят ишлари бўйича Қува туман суди мазкур ишни атрофлича ўрганиб, текшириб чиқди. Натижада, Хуршидбекнинг айбсизлиги аён бўлди.

Ҳал шундаки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомаласи бўлиши юзасидан назоратни тақомиллаштириш тўғрисида”ги 878-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида муомаласи бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати”да “ташиш” гиёҳвандлик моддасининг 0,20 грамм ва унда ортиқ миқдори (озгинадан кўпроқ) жиноят таркибини ташкил этиши белгиланган. Айти қарор талабидан келиб чиқиб айтилса, Х.Усубжоновнинг чўнтагидан олинган ашёвий далил 0,18 грамм бўлгани боис жиноят таркибини бермайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига мувофиқ, иш кўзгатиладиган ва тергов ҳаракатлари ёки суд ҳукумамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаган, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаган, айбсиз деб топилди ва реабилитация этилиши лозим. Ана шу асосларга таянган суд Хуршидбек Усубжоновни айбсиз деб топиб,

мият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мувофиқ, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўринбосарлари сони 207 нафардан 144 нафаргача ёки 30 фоизга қисқартирилмоқда ҳамда Ҳукуматга бўйсунадиган мустақил вазирлик ва идоралар сони жами 26 та этиб белгиланмоқда (улар таркибига кирган барча кўмиталар, агентликлар ва инспекциялар билан бирга жами 69 та), шу жумладан: вазирликлар – 21 та, кўмиталар – 12 та (шундан 2 таси мустақил мақомга эга), агентликлар – 25 та (шундан 3 таси мустақил мақомга эга) ва инспекциялар – 11 тани ташкил этмоқда. Қилинаётган бу ислохотлар натижасида 1,5 триллион сўм, хизмат машиналари сонини қисқартириш эвазига эса 70 миллиард сўм бюджет маблағлари иқтисод қилиниши тахмин қилинмоқда.

Ҳар бир ўтказилаётган ислохотнинг ўз кўзланган натижалари бўлгани каби мазкур янги маъмурий ислохотлардан ҳам бир нечта мақсадларга эришиш кўзда тутилмоқда. Зеро, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари штат бирликларини мақбуллаштириш орқали уларнинг вазибалари ҳам янгидан тақсимланади ва мувофиқлаштирилади. Бу эса давлат органлари вазифа ва функцияларидаги ўзaro тақдорланишларнинг олдини олади. Бундан ташқари, мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган маблағлар ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, амалга оширилаётган ўзгаришларнинг самарадорлиги ислохотлар олдидан ўйлаб қилинаётганлигига боғлиқдир. Президент таъбири билан айтганда, аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келди.



оқлади. Қолаверса, оқланувчига ўзига етказилган мулккий, маънавий ва бошқа зиёни қоплаш юзасидан Жиноят процессуал кодексининг 304-313-моддалари тартибда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди. Бироқ Х.Усубжоновнинг 0,18 грамм оз миқдордаги “ташиш” гиёҳвандлик воситасини ўзига сақлаганини маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бинобарин, суд мазкур ҳолатга тегишли тартибда баҳо бериш учун ишни Қува тумани прокурорига юборди. Бир сўз билан айтганда, баён этилган воқеа бўйича адолат қарор топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон қадрини улуғлаш қонун устуворлиги ва адолат мезонига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Шу боис Президентимиз Мурожаатномасида “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” деган гоҳни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур синдиришимиз керак” дея таъкидлаб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни 2023 йилдаги учинчи устувор йўналиш сифатида белгилаб берди. Зеро, бу ҳамюртларимизнинг давлатга, амалдаги қонунларимизга бўлган ишончини янада оширади.

Бугуннинг гапи

Ижтимоий тармоқда кенг жамоатчиликнинг опа-сингилларимизга бўладиган ҳар қандай турдаги таъйик, зўравонликларни қоралагани, муҳокама қилганига гувоҳ бўламиз.

Зўравонликка учраши ёки учрамасангдан қатъи назар, барча опа-сингилларимиз “Хотин-қизларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қаролатлари тўғрисида”ги қонунларимизни ёддан билиб, мушкул вазиятга дучор бўлганда ўз ҳуқуқларидан унумли фойдалана олиши муҳим аҳамиятга эга.

Зўравон жазосини олиши шарт

Саодат СОДИҚОВА, журналист



Тўғри, қонун қабул қилиш ёки ўз ҳақ-ҳуқуқини билиш билан масала тўлиқ ҳал бўлмаслиги аниқ. Айниқса, боғалигиданоқ қизларимиз уйдаги сирини кўчага олиб чиқмасликка, ҳар қандай муносабатга нисбатан сабр-тоқат билан жавоб қайтаришга ўргатилган жамиятда қонунни билишнинг ўзи билан кифояланиб бўлмайди.

Қонунчилигимизда таъйик ёки зўравонликка учраган шахснинг ўзи тегишли идораларга ариза, шикоят билан мурожаат қилсагина, тегишли тартибда ўрганиш ишлари олиб борилиши мустаҳкамланган.

Оддийроқ айтганда, муттасил равишда қийноқларга учраётган қўшни (қариндош, таниш) келин номидан ўздан бошқа ҳеч ким арз қила олмайди. Бу эса, “андишанинг отини кўрмоқ” деб биладиган айрим зўравонларга кўп келади. Сабаби аксар ҳолларда ўша қўшни келин оиласининг шаънига доғ тушмаслиги учун турли хил шаклдаги таъйикларга чидашга мажбур бўлади. Амалиётда кўп учрайдиган яна бир ҳолат, зўравон устидан ёзилган арз маълум муддатдан кейин аризагининг ўзи томонидан қайтариб олинади. Бу ҳам оила шаъни ва келажини асраб қолишга бўлган ҳаракат сифатида баҳоланади.

Аммо бундай вазиятда ҳуқуқбузар ўз қилмишига яраша жазосини олмаслигига, яъни “таъзирини емаслигига” сабаб бўлади.

Ҳўш, унда нима қилиш керак?

Назаримда, зўравонликка гувоҳ бўлган жамоатчилик ёки учинчи шахс томонидан қилинган асосли мурожаат ва “сигнал”лар ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар томонидан тегишли тартибда ўрганилиши ва зарур жазо қорасининг қўлланилишини таъминлашимиз керак. Бу эса, амалдаги қонунчилигимизга айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутаяди. Агар зўравонликка гувоҳ бўлган учинчи шахс томонидан берилган ариза тегишли идоралар томонидан ўрганилмаса, ижтимоий тармоқда ёки бошқа майдонларда бу каби хунук ҳолатларни қоралаш билан чегараланиб қолган “томошабинлар жамияти” юзага келиши эҳтимоли катта бўлади, деб ўйлайман.

Жазосиз қолган ҳар қандай зўравонлик ҳаракати эртанги кунда бундан-да кўрқинчлироқ кўринишда тақдоран содир этилмаслиги, хунук оқибатлар юзага келмаслиги учун ҳам жамиятда муросасиз муҳит ва қонунчиликини ўзимиз шакллантиришимиз керак.

Зотан, бугун зўравонликдан холи муҳитда вояга етадиган фарзандларимиз эртанги кунда бузғунчи эмас, бунёдкор гоғларни билан юқори марраларни кўлга кирита олади.

Ана холос

Бош вазир жарима тўлайди

ВВС хабарига кўра, хизмат машинасининг орқа ўриндиғида ўтирган Буюк Британия Бош вазири хавфсизлик камарини тақмагани учун полиция томонидан жаримага тортилган.



Маълум бўлишича, Риши Сунак Британия ҳукумати-нинг минтақаларни ривожлантириш дастури мавзусида суратга олинаётган роликда суратга тушиш жараёнида хавфсизлик камарини ечиб қўйган. Бироқ полиция бу сабаб жаримани бекор қилиш учун асос бўлолмайди, деб ҳисоблаган.

Бош вазир дарҳол узр сўради ва жаримани, албатта, ўз ёнидан тўлашни билдирди.

Эслатиб ўташим, Англияда автомобилда ҳаракатланаётган вақтда хавфсизлик камарини тақмаганлик учун жарима 100 фунтни (тахминан 1 400 000 сўм) ташкил этади.

Унда йўЛДОШЕВА тайёрлади

МАЪСУМА АҲМЕДОВА:

УЎЗБЕК ХАЛҚИГА ХАЙКАЛ ҚЎЙДИ!



— Маъсума опа, мана, сиз халқимизнинг ардоқли эъзувчиси билан анча йиллар умргузаронлик қилдингиз. У кишини сиздан яхши билдирган ва сиз каби тушунадиган инсон бўлмас керак. Сўхбатимизни устозинг болалик йиллари, ёшлиги, оиласи ҳақидаги эшитганларингиз, фикрларингиз билан бошлашасиз.



— Сурхондарёнинг инсон кифтини куйдирган қуёши каби қайноқ меҳри билан камолга етган, десам муболага бўлмас. Денов, ҳозирги Олтинсой туманининг Хўжасоат қишлоғида ўсиб-ўлғайиб, шу қишлоқда болалигининг бегубор дамлари, ёшлигининг орзуларга ошно паллалари ўтган. Унинг ота-онаси жуда меҳрибон кишилар бўлган, уларнинг муҳаббатига чулбонга, ўғай ота қўлида ўлғайганини сезмаган ҳам. Отаси Бўрибой ота ветеринар-шифокор бўлса ҳам қалби санъатга ошурфта бўлиб, дутор чалиб, ашула айтар, ўғли 2 ёшдагида яшн-чакмоқ, яъни момақалдироқ тўфайли оламдан ўтган эканлар. Албатта, бу ёшдаги бола отасини эслаш олмаслиги табиий ҳолат. Тоғай аканинг исми ҳам дунёга келиши билан боғлиқ. Онанининг айтишича, "Тоғасиникида турилгани учун отини Тоғай қўйдик, муродига етиб юрсин, деб Тоғаймурод қўйдик".

Тоғай аканинг адабиётда меҳри ҳам шу Хўжасоат қишлоғида ўзи сингари улғай борган. Угай отаси колхозда ҳисобчи бўлиб, маърифатли инсон эканлар. Шунинг учун оилада болалар тарбиясига, айниқса, Тоғай аканинг илм олишига алоҳида эътибор қаратганлар. Қайнонам Тожиқоҳ я ажда оқила, озода, ораста ва пазанда аёл эдилар. Халқ термаларини, озгаси ижодини ёддан айтар, шу билан бирга, кашта тикиш, тўн, чопонлар қавишни яхши билар эдилар. Ҳатто менга ҳам чопон қавиб берганлар. Тўйимиздан кейин Эзувчи Москвага, Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга кетганларида ёнимда бўлиб, менга сурхонча зигир ёғли ош пиширишни ҳам ўргатганлар. Улар ивиган қаттиқчи мисоли қаймоқ дегиндигини...

— Она-боланинг бир-бирига муносабати қандай эди? — Биринчи келганларида Тоғай ака Москвага кетган пайтлари бўлиб, мен уларнинг телефонда гапашганларини эшитиб, ҳайрон қолганман: она ўз ўғли билан "сиз"лаб гаплашди. Мен ҳам қизиқувчан эмасманми, "Нега ўз ўғлингизни сизлаб гапирарисиз?" деб сўраганман. Шунда у киши: "Ёшлиғида сен дердим, ҳозир у катта одам бўлди, ўқиди, илмли бўлди. Мен ўқимаган, бир оми аёл бўлсам, у катта илмга эга, катта одам бўлди. Илмини хурмат қилиб, "сиз", дейишни керак", деганлар. У кишидаги ички маданиятни кўриб, ҳайратланганман.

— Эзувчи ўзининг адабиётга қандай қизиқиб, меҳр қўйганлари ҳақида гапириб берганмилар? — У киши ўзида адабиётга муҳаббат уйғотган мактаб кутубхоначиси, Қозондан келиб қолган татар аёли Хадича Ботиршина эканлиги ҳақида 2003 йилда "Ёшлик" журнаliga берган интервьюсида батафсил ҳикоя қилганлар. "У кутубхонадаги ва кутубхоначи тавсия қилган барча китобларни ўқиб бўлгандан кейин Хадича опанинг шундай деганини эътироф этди: "Шундай, ана энди адабий лавҳалар машқ қил!"

"Мен адабий лавҳалар машқ қилдим. Район газетасига жўнатдим. Газета лавҳаларини босмади. Мен конвент бетларига гуллар чизиб жўнатдим. Адабий лавҳа чеккаларига бўлбуллар расмини чизиб жўнатдим. Адабий лавҳа таласига озгина гул тиллаб турган каптар расмини чизиб жўнатдим. Барибир газета адабий лавҳаларини босмади. Бир кунги район газетасида илк бор мени исми шарифим билан бир мақола пайдо бўлди. Ҳайрон бўлдим. Мен бунақа мақола жўнатмаган эдим. Ҳамма мени таъриқлади. Мен билдирмай, гердаёйиб юравердим. Биз шунақа ёзамиз, деб қўйдим. Адабиёт ўқитувчимиз Ҳамза Хамроев мени четроққа олиб борди.

"Тазетани кўрдингми?" — деди. — Ушани сени номиндан мен қилдим. Газета ходимларига ҳам тайинлаб келдим. Ана энди ғайрат қил".

Дарҳақиқат, Хамроев район, область газеталарининг штатсиз муҳбири эди. Ана шундан кейин газетда мунтазам чизиб турдим. Яқинда уйимизга орқиб бир чоп кириб келди. Оппоқ соқоллари кўксига тушди. Бу чол ўша адабиёт муаллимимиз Ҳамза Хамроев бўлди. "Умрим педагогик билан ўтди", — деди Хамроев. — Сизни ўқитганим учун педагогик умримдан мингдан-минг розиман".

Отаси Тоғай акани 7-8 бола туғилиб, шулар орасида омон қолган ёлғиз қизи Орзулу билан бирга камолга етказган, университетга киришини қўллаб-қувватлаган. Тақдир экан, кейин у киши

ган эди. "Ўзига хос услуби, янги фикри билан прозада ўзбекча модерни, соф ўзбекча насл яратган Тоғай Мурод жаҳон адабиётининг етук вакиллари ижодига ҳавас қилса ҳам уларга тақлид қилиб асар ёзмади". Бундай улуг эътирофга эга эзувчи ўз асарларидаги ҳар бир эпизодни давр билан ҳамоҳанг соф шеваси, қадриятлари, урф-одатлари улуғланган, ор-номуси учун жонини тиккувчи қишлоқ одамларини ўзи яшаётган ҳаёти мисол ёрқин ва аниқ тасвирларда ёритади. Улардаги қаҳрамонлар ҳаёти, ёшлиги адбнинг кечинмалари, хотиралари, ўз бошидан кечирганлари билан боғлиқми?

— Тоғай ака бир асарни ёзиш учун керак бўлса, йиллар давомида изланар, ўрганар эдилар. У киши ҳар бир вилонинг экадиган эканидан тортиб таомилга, шевадан тортиб ҳар бир сўзига, майда деталига, ўрганганда ҳам жиддий, профессионал даражада ўрганганлар. Атоқли олим Тўра Мирзаевнинг айтишларича, "Йилнинг энг яхши қиссаси" деб баҳоланган "От кишнаган оқшом" асарини ёзиш учун Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлимига бориб, бир йил китобдан бош кутармаган эканлар. Кузда Сурхондарёга бориб, Саттор чавандоз билан танишиб, у билан чавандоз сифатида қишлоқма-қишлоқ, тўйма-тўй юриб, чавандозлар билан кўпқари чопиб, уларнинг думбича чалиб, кўпқари, отлар ҳақидаги гурунларига қулоқ тутган эканлар. Бутун қиш давомида кўпқарихонада яшаб, отлар билан тиллашиб, уларнинг ҳаётини ўрганиб, то "От кишнаган оқшом" қиссаси журналда чоп этилгунча қаҳар унинг эзувчи эканини билмаганлар. Эзувчининг йиғирма беш ёшида ёзган "Йилнинг энг яхши асари" дея эътироф этилган "Юлдузлар мангу ёнади" қиссасида Сурхон полволлари, "От кишнаган оқшом" қиссасида бир неча чавандозлар ўзини таниб, Тоғай акани бағрига босиб, "Раҳмат, ука, мени эибсан!" — деб олқишлаганлар. Адиб Ойбек мукофоти олишига сабаб бўлган яна бир асарининг ёзилиш тарихи ҳақида "Юртимиз этагида Сўфи Оллоёв қабири бор. Шу қабр қабаты тоғчорбоғ бор. Мен бир қишни ана шу юртим чорбоғида қиладим. Сўфи Оллоёв бобо билан қабатма-қабат ётиб, "Ойдинда юрган одамлар" номи қисса битиб келдим", деб ёзди.

— Эзувчи "Отамдан қолган даладар" асарининг яратилиш тарихи ҳақида ёзар экан, "Мен нимага эришган бўлсам — барчаси учун ганимларимдан миннатдор бўлдим. Ганимларим бўлмасам — мен Тоғай Мурод бўлолмас эдим", деган фикри баён қилади. Тоғай Муроднинг душманлари шунчалик кўпми?

— Замон, муҳит, қатағон йиллари, тўғри сўзни айта олмаслиқ азоби, ҳақиқатни ёганларнинг асарларини чоп этишга қарама-қаршиликлар авж олган палла... Тоғай ака яна бир асари ҳақида шундай битиклар битганлар: "Танимларим қўрақуртай ғимирлаб қолдилар. Дунёда қанақа мағзава бор — мени бошимдан тўқидилар. Дунёда қандай фикс-фасод бор — мени номимга тупуқлаб ёпиштирдилар. Тоғай Мурод номини қор-қора эдилар... "Ойдинда юрган одамлар"ни чоп этишни учун у йил сарсон-саргондор бўлдим". Адиб ҳар қандай қарама-қаршилик бўлмасин, руҳан синмас, тушуқликка тушиб ўрнига фақат мақсад сари интилишдан тўхтамас эдилар. Ана шу ҳислати у кишини мақсадига етказди.

Тоғай Мурод ҳақиқий ижодкор, эзувчи қандай бўлиши керак бўлса, худди шундай яшаганлар, қисқа умри давомида шовиб, фақат яхши асар ёзиш иши билан ёнганлар. Юқорида тилган олинган сўнгсўзда яна шундай ёзади: "...Мен Москвада ўқимадим, мен Москвада ўзбек эиёлилари қайғуси билан яшадим. Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман! Мен Москвадан ана шу ният билан қайтиб келдим". Келганларидан сўнг қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ҳақидаги ўнлаб китобларни ўқисалар-да, ёзилмақ асари даражасида деҳқонни, пахтакорни яхши билмаслигини англаганлар. Эзувчи ёганларидай, "Мен бешинчи синфдан бошлаб пахта тердим. Дорилфунун даврида шундай пахта тердим. Бўйим пахтада ўсди. Ақлим пахтада кирди. Саводим пахтада чиқди. Аммо романи бошлаб... пахта нима эканини билмаслигимни англаб қолдим". Ҳақиқатан ҳам адиб "Отамдан қолган даладар" асари билан ўзбек халқига ҳайкал қўйди!

— Асарият аёллар ижодкорларнинг кўнглини топиб, ўз орузидагидай яшаб кетиш қийин, деб ҳисоблайди. Турмуш қураётганда бу саволлар сизни иккилантирмайдими? Оилангизда икки нафар эзувчи, кўнгли нолик — икки буюк қалб оғалари яшаб, ижод қилгансизлар. Бу барчага ҳам

насиб қилавермайдиган ҳолат. Аввало турмуш қуришингиз сабаблари ҳақида гапирсангиз.

— Кўрбони қаримда шундай битик бор: "Тақдир Аллоҳдандир". Мен Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлар, директор рўпарасидаги хонада ўтирдим. Кўрсодларим Маъсуда ва Мирзапўлат Тошпўлатов билан бирга ишлардик. У пайтлар Тоғай Мурод эзувчи бўлиб танилган пайтлари эди. Мирзапўлат у кишининг янги нашр этилажақ "Ойдинда юрган одамлар" китобига муҳаррир қилиб тайинланбди. Бу ҳақда Мирзапўлат Тошпўлатов "Мен қайтиб келаман" хотиралар китобида шундай ёзади: "Тоғай Мурод ниҳоятда жиддий, ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган, бир сўзга, ўз фикрини кишининг юзига тангал айтидиган, дадил ҳамда катта билмага эга нуқтадон адиб эди. Мана, қиссаларининг босмахонадан корректураси ҳам келди. У ўша кун нашриётга келганида мен гапни уйдатилар, бола-чақа яхшими, деб сўрашишдан бошладим. Бирдан унинг жаҳли чиқди. Атрофга бир қараб олди-да, ташқарига чиқ, деди. Мен Тоғай аканинг орқасидан чиқдим.

— Ҳозир сен ҳазил қилдингми ё атайин шундай дедингми?

— У менга биринчи марта сенсираб гапирди. Жаҳли чиққани оқариб кетган юзидан шундоқ сезилиб турар эди. — Нимадйи, ҳазил қилганим йўқ, бирор ноҳўя гап айтдимми? — шўша-пиша шундай дедим. — Мен уйланмаганман. Талмовсираб қолдим. Ростдан ҳам унинг оила қурмаганини билмасдим. Нима дейишни билмасдан беихтиёр уэр сураддим. — Билмаган бўсанг, майли. Унинг овози оҳангидан юмшаганини сезиб, дадиллашдим.

— Насиб бўлса, уйланарсиз, кўз остингизга олганингиз бордир.

— Бор. Қарингизда ўтирган Маъсума бор-ку, сура, шу киз эгаси, оламан. Бор, кириб сура, — деди.

Ишқилиб, қарасам, икки курсдошим пичир-пичир қилишибди, бир-бирини илмлаб хонадан чиқиб кетишди. Ахири курсдошларимга: "Овозини бир марта

гапларни айтмасам ёки камчилигини айтсам борми, барини дераздан бир-бир отарди. Бир кун қайнонам ўғилларининг бозор қилганларидан хабар топиб, "Вой, менинг улим бозорга бораптимми?" — дегандилар ҳам ҳайратланиб, ҳам хурсанд бўлиб. Чунки она тўққиз фарзанди орасида атиги икки-таси еруғ дунёда қолганидан, ҳам ёлғиз ўғил бўлганидан ўғилларини эрка ўстирган эдилар.

— Адибнинг фақат ўзигагина хос, ҳеч кимга ўхшамаган фазилатлари ҳақида тўхталасиз.

— Мард, танти ва оққунгли инсон... Эрта тонда соат 5.00 да туриб, юғришга чиқиб кетардилар. Қайноқ сутта солиб қўйилган бодом ва бир пиёла сут у кишининг нонушаси эди. Кўп эмас, кўп демас ва кўп қулмас эдилар. Муросасоз эмасди: ёмон кўрганни ҳам шу заҳоти билдирар, мунофиқликни, иккиюзламачиликни кўргани кўзи йўқ эди. Самимиятни қадрлар эдилар. Агар яхши асар яратилса, ҳатто душманининг ютуғи бўлса ҳам дарҳол эътироф этарди. Спортни севар, сузига бора, ёш йигитлигида Анҳорда моржлар гуруҳи билан қалин қор, музда сузар эканлар. Жаҳонга машҳур теран киноларни қолдирмай кўрарди. Биз Милош Форман, Сержо Леони каби дунёга машҳур режиссёрларнинг "Амадей", "Кулардан бир кун Америкада" сингарии фильмларини қайта-қайта томоша қилганми.

— Ишдан кечиккан пайтларингиз ош-овқатга ёрдамлашармидингиз?

— Овқат қилишни умуман билмасалар, қандай қилиб қарашсинлар? Наздимда, чой дамласа, тагга олдиради, деган тоифага кирардилар.

— Маъсума опа, адиб билан бир-бирингизнинг ижод намуналарингизнинг илк ўқувчиси бўлгансиз. Адибнинг ижодингизга, асарларингизга, ҳикояларингизга муносабати қандай эди?

— Ижодкорлигини жуда қадрлар эдилар. Мен уларнинг кўнглини олиш учун турли-туман пишириқлар пиширсам, ундан кура иккита ҳикоя ёзсанг одамларга қолади-ку, дер эдилар.



эшитай", дедим ва бунинг натижаси ўлароқ Тоғай ака фақат Паркента қандай боришни сўраганлар. На кино, на учрашу, на муҳаббат ихзори бўлган, тақдир экан, шу билан тўйимиз бўлиб кетган.

Ҳаётда равон яшаб кетиш осонмас, ҳамма оилада ҳам муаммолар бўлиши турган гап. Иккалаимиз ҳам ижодкор-масмизми, бир-биримизни тушунар эдик. Мен у кишини қандай бўлса, шундай қабул қилдим. Инжиқлигим, болаларча самимийлигини... Назаримда Тоғай ака ҳамisha ҳаётимда бор, ёнимда яшайди.

— Қизик, умуман танимаган, билмаган киши билан қандай қилиб келишиб, яшаб кетгансиз?

— Улар катта эзувчи эдилар, дастлаб мен улар ҳақида эшитган, асарларини ўқиган эдим, уларини қурмаган эдим. Чунки кўп адабий тадбирларда кўринмас, фақат ижод қилардилар. У киши қалбан адабиёт учун яратилган одам эди. Тоғай ака бир сўзга, бир қарашда баджаҳл кўринар, ниҳоятда ориятли одам эдилар. Мабодо сўхбатлашсангиз, унинг самимий, соддалиги, болабабатчилигини сезардингиз.

Фикримча, иккалаимизнинг адабиётга қарашларимиз, интилишларимиз бирлиги учун келишиб кета олганми. Сўхбатларимизнинг негизий асоси қарашлар, мавзулар бирлиги эди. Тоғай ака руҳи суғайган одамнигина кўнглига қабул қилар, киришиб кетарди. Адиб худди ёш кетишини билгандай, вақтини гоят бебаҳо неъмат каби авайлаб сарфларди. Бозор-учар зиммасида эди, албатта. Бозордан харажат қилсалар, ҳамма махсулотнинг энг каттаси яхши бўлади, деб ўйлаб, катта-катта пиёз, помидор ҳам майли, бодрингнинг ҳам энг катталарини териб олиб келардилар. Борди-ю, бозорликни кўриб, хурсанд бўлиб, кўнглини кўтарадиган

Жуда тўғри айтган эканлар. Менинг "Тожи опанинг туғуни" номи ҳикоямни ўқиганларида, бу ҳикояда инсон фожиаси акс этибди, деб мактаганлари эсимда. Эллик ёшга киришим арафасида ҳикояларимни ўзлари сараллаб, "Ҳикоялар" деб ном қўйиб берганлар. Уша пайтлар китоб чиқариш мушкул эди... 2012 йил олтиш йиллигим ҳамда Тоғай аканинг хотирасига бағишлаб чиқарган китобимни "Ҳикоялар" деб атадим. Адибнинг янги асарларини мен биринчи бўлиб ўқирдим, албатта. Укиб бўлгач, фикрларимни сўрардилар. Борди-ю, кўлёмани ўқиб, бирор хато тополмасам, балога қолардим. Илк бор "Отамдан қолган даладар" романини ўқиб, ҳайратдан, ҳаяжондан неча кунгача ўзимга келолмаганман. Асарни мактаганимда, "Мен сенга мактос эшитиш учун кўлёмани ўқитмадим, тўғриси айт. Бирор хато тополмасанг, нашриётда нима қилиб ишлаб юрибсан муҳаррир бўлиб?" — деганди жаҳллари чиққанидан тутақиб, "Хато тополмасам нима қилай?" — дегандим ўшанда. Мабодо асардаги хато-камчилигини айтсам, дарров тўғрилаб кўрардилар. Ҳозир уйлсам, жуда тўғри қилган эканлар, ахир бегона одамдан асар камчилигини эшитиш нечоғли оғир! Танқид урилиб бўлса, тўғри қабул қилардилар. Асарини мўкамаллигига ишончлари қомил бўлса, бировнинг танқиди мактовини ўқиб ҳам ўтирмадилар.

— Эзувчи асарларининг саҳналаштирилишига қандай фикрда эдилар?

— Тоғай ака асарлари саҳналаштирилишига қарши эдилар. Бу эзувчининг ўзига хос табиати, ўз асарларини бошқа жанрда қуришни қабул қила олмаслиқ руҳий ҳолатидан келиб чиқди, шекилли. Ахир асарингизни режис-

сёр ўзича талқин қилади, сизнинг ҳаётингизни яратган образни бошқа бир ижодкор ўзгача кўради. Лекин шундай бўлса-да, барибир Олижон Салимовга "От кишнаган оқшом" ва "Ойдинда юрган одамлар" асарини саҳналаштиришга ҳам рухсат берганлар. Шўхрат Аббосов "Отамдан қолган даладар" романи кино қилганлар. "Мен романи экран учун ё театр учун яратмадим. Мен романи ўзбек адабиётини бойитиш учун яратдим. Шу босис, асарларимнинг экран ё театрга қўйилишини жуда ёмон кўраман", деган бир интервьюсида.

— Маълуумки, сиз ҳам, турмуш ўртоғингиз Тоғай Мурод ҳам нафақат эзувчи, балки таржимонлик фойлияти билан ҳам жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ўғришга ўз қиссангизни қўшгансизлар ва қўшасиз. Сизнинг, айниқса, озарбайжон, рус, испан эзувчиларининг асарларини ўзбек тилига қилган таржималарингиз ўзбек китобхоналарини ўзга халқлар маданияти, санъати, тарихи билан таништиришда муҳим аҳамиятга эга. Таржимон сифатида айтнинг-чи, қай бир халқ ўз маданияти, қарашлари билан ўзбек халқига яқинлигини қис қилдингиз?

— Кўп йиллар Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, сўнг "Новости недели" газетасида ишладим. Ўзбек-рус тилларида журналистик мақолаларим чоп этилган ва ҳозир ҳам ёзиб тураман. Қасбимни асли ношрилик деса тўғри бўлади. Илк китобим, "Офтобли кўк" ҳикоялар тўпلامини 1982 йилда қилган. Кейин "Бировнинг ҳаёти", "Ҳикоялар", "Жўнатилмаган мактув" қисса ва ҳикоялар тўпламларим нашр этилган. 2014 йил "Жўнатилмаган мактув" асарим "Энг улуг, энг азиз" танлови совриндори бўлди. Насиб этса, яқин орада "Биллур гүлдон" номи сайланма китобим дунё юзини кўради. Бу китобга энг сара қисса, ҳикояларим, жаҳон адабиётидан қилинган бадиий таржималарим кириптиди. Хусусан, рус адабиётининг атоқли адиблари Д.Мамин-Сибирякнинг "Доктор Ососкиннинг соғайиши" асари, Александр Куприннинг дунёга машҳур "Олеся" қиссаси ва XX асрининг етук Аргентина эзувчиси деб эътироф этилган Хулио Кортасарнинг ҳикоялари шу китобга кирди. 1986 йилда йирк Озарбайжон эзувчиси Чингиз Хусайиннинг "Муҳаммад, Мамад, Мамаш" романи нашрдан чиққан. Таржималарим жараёнида шунга ишонч ҳосил қилдимки, ҳеч қайси халқнинг қарашлари, урф-одатлари, турмуш тарзи бир хил эмас, айнан яқинлиқ ҳам, ўхшашлик ҳам йўқ. Лекин улуг асарларга со бир муштараклик бор, у ҳам бўлса, умуминсоний ва умрбоқий туйғулар ағоналидиги. Эзуглик ва разолат ўртасидаги мангу кураш, инсоний муҳаббат, адолатнинг галаба қозонишига ишонч ҳиссининг сўнмаслиги...

— Ўзбек халқининг семвлики эзувчиси асарларини қайта нашр қилдириш, тўплам сифатида муҳлисларига етказиш, турли тилларга таржима қилиб, жаҳон адабиёти дурдонасига айлантириш борасида режаларингиз борми?

— Адибнинг "Бу дунёда ўлиб бўлмайдй" романи француз тилида нашрдан чиқди (Ўзбек тилидан француз тилига Жаҳонгир Санакулов таржима қилди, 2016). "От кишнаган оқшом" (таржимонлар Вади Муродонов ва Герман Власов, "Дружба народов" журналы, 2016) ва "Ойдинда юрган одамлар" (таржимон Сўхбат Афлотуний, "Звезда" журналы, 2015) "Тарлан"(повести, 2016) китобхоналарга тақдим этилди. Ҳозирда эзувчи асарларини бошқа тилларга ўғриш жараёни давом этмоқда. Истагим — эзувчи гўзал ва бетакор асарлари тили, шираси, қолорити бошқа тилларда ҳам сақланиб қолса, бизнинг мард, жасур халқимиз тим-соллари ўзга эларда ҳам бор бўйича намобен бўлса...

— Маъсума опа, ўзбекнинг полвон, чавандоз ўғли, юрти учун жонфидо, қуноқча фарзанди, калами ўтирди адиби Тоғай Муроднинг қисса, аммо шарафли ҳаёт йўли ҳақидаги сермазун суҳбатиниз учун ташаккур. Эзувчи бор-йўғи эллик беш йил умр кўрган бўлса ҳам ўзидан умрбоқий, манеуллик дахлдор асарлар қолдирди. Бу китоблари билан ўзи айтаганидай, жаҳон адабиётини ўзбек халқига ҳайкал қўйди! Бу ҳайкал сиймосида эса тоабда Тоғай Мурод номи жаранг сочиб тураверарди.

"Adolat" газетаси муҳбири Саодат МАТЕҚУБ қизи суҳбатлашди

ADOLAT SOTSIAL-DEKORATIK PARTIYASI

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ
Тахрир хайъати: Бахром АБДУХАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Мухаммад АЛИ, Гавхар АЛИМОВА, Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими, Котибият, Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими, Кабулхона, Реклама бўлими, Мясъл қотиб — Абдугани Соликов, Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
info@adolatgzt.uz, adolatgzt-95@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюрогма Г — 100
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Адади — 2212
Босишга топширилган вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.10
Баҳоас келишилган нархда
Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
«Шарқ» НМАК Босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Босқов Тўрон кўчаси, 41-уй.